



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 2 - aprel

6544 -son

Bog‘ot shaharchasi

Тумандаги “Ражаббоева Дилрухсора” фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонини туман ер захира фондига қайтариб олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддасига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасига асосан, “Ражаббоева Дилрухсора” фермер хўжалиги бошлиғи Ж.Нурметовнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонини туман ер захира фондига қайтариб олишни сўраб туман ҳокими номига ёзган сўровномасини ҳамда бу юзадан фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг, туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг хулосасини, Халқ депутатлари туман Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Тумандаги “Ражаббоева Дилрухсора” фермер хўжалиги бошлиғи Ж.Нурметовнинг фермер хўжалигига ажратиб берилган ер майдонларидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисидаги туман ҳокими номига ёзган сўровномасини инобатга олиб “Ражаббоева Дилрухсора” фермер хўжалиги раҳбари билан туман ҳокими ўртасида тузилган ер участкасини узок муддатли ижарага олиш тўғрисидаги шартномаси бекор қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан А.Навоий ҳудудидаги “Ражаббоева Дилрухсора” фермер хўжалигига ижарага ажратиб берилган 498, 499 - контурлардаги умумий ер майдони 9,9 гектар, шундан 9,2 гектар экин ери, 0,6 гектар ариқ ва зовурлар остидаги, 0,1 гектар йўллар остидаги ерлардан иборат бўлган ер майдони туман ер захира фондига қайтарилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Рўзибоев) А.Навоий ҳудудидаги “Ражаббоева Дилрухсора” фермер хўжалигига ажратиб

берилган ер майдонларини қонунда белгиланган тартибда туман ер захира фондига қайтарилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан А.Навоий ҳудудидан туман ер захира фондига қайтариб олинган ер майдони танловга қўйилсин.

5. Туманда фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги учун ер майдонлари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси (Э.Худайбергандов)га туман ер захира фондига қайтариб олинган ер участкаси бўйича белгиланган тартибда танлов ўтказиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашидан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев